менга ислом (ақидаси ва шариатида) шундай бир сўзни айтинг-ки, бошқа ҳеч кимдан сўрамай», – дедим. «Аллоҳга иймон келтирдим деб айт, сўнгра шунинг устида мустақим бўл!», – дедилар

Абу Амр – Абу Амроҳ ҳам дейилади – Суфён ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу айтадилар: «Ё Расулуллоҳ, менга ислом (ақидаси ва шариатида) шундай бир сўзни айтинг-ки, бошқа ҳеч кимдан сўрамай», – дедим. «Аллоҳга иймон келтирдим деб айт, сўнгра шунинг устида мустақим бўл!», – дедилар.
[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Суфён ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан маҳкам тутишлари учун Ислом маъноларини жамлаган ва бошқадан сўрамайдиган сўз айтишларини сўради. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳни яккаладим ва уни раббим, илохим, яратувчим, ҳақиқий маъбудим, унинг шериги йўқ», – деб айт, сўнгра Аллоҳ фарзларини адо этиш, ҳаром қилган ишларини тарк қилиш билан У Зотга итоат қил», – дедилар.

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/66524